

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/25.08.2021.Fil.01.16 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУЖАМКУЛОВА МАХБУБА БОБОНАЗАРОВНА**

**СОДДА ГАПДА КОММУНИКАЦИЯ ВА ПРАГМАТИКА  
МУНОСАБАТИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Хужамкулова Махбуба Бобоназаровна**

Содда гапда коммуникация ва прагматика муносабати.....3

**Хужамкулова Махбуба Бобоназаровна**

Коммуникация и прагматические отношения в простом предложении.....29

**Хужамкулова Махбуба Бобоназаровна**

Relation of communication and pragmatics in a simple clause.....57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....62

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/25.08.2021.Fil.01.16 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУЖАМКУЛОВА МАХБУБА БОБОНАЗАРОВНА**

**СОДДА ГАПДА КОММУНИКАЦИЯ ВА ПРАГМАТИКА  
МУНОСАБАТИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Fil2053 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) бажарилган.

**Илмий раҳбар:** **Курбанова Муҳаббат Матякубовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий тақризчилар:** **Маъруфжон Йўлдошев**  
филология фанлари доктори, профессор

**Гули Тоирова**  
филология фанлари доктори (DSc), доцент

**Етакчи ташкилот:** **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг **DSc.03/25.08.2021.Fil.01.16** рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Асосий биноси 1-қават, 105-хона (99871) 2271224, факс (99871) 2465321, (99871) 2460224; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 2364655; факс: (99871) 2460224.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ҳ.Болтабоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филология фанлари доктори, профессор

**Н.З.Абдурахмонова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

**Н.Раҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,  
филология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ**

**(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида янги илмий парадигмаларнинг шаклланиши инсон тафаккури ва нутқий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўрганиш заруриятини белгилади. Ижтимоий ҳаётда кишилар ўртасидаги ўзаро алоқа жараёни – коммуникацияни юзага чиқарувчи нутқ бирликларининг прагматик тадқиқига эътибор кучайди. Тобора ўсиб бораётган фан соҳада янгилик сифатида тил бирликларининг нутқий воқеланиши уларнинг нутқий вазият, контекст билан боғлиқ муаммоларини ўрганишга киришди. Бу эса фаннинг антропоцентрик моҳият касб этишига асос бўлди ва тилшуносликнинг психоллингвистика, социоллингвистика, прагматингвистика, когнитив тилшунослик, лингвокультурология каби инсон омили билан боғлиқ бўлган янги соҳалари шаклланди.

Илм-фан тараққий этиб бориши натижасида дунё тилшунослигида тил бирликларининг семантик структурасини текшириш ва прагматик маъноларини аниқлаш, бу маъноларнинг нутқда реаллашувида тил воситаларининг ўрнини белгилаш каби қатор муаммолар юзасидан қимматли назарий қарашлар майдонга келди. Бундай қарашлар ўзбек тилшунослигида прагматингвистика йўналишининг тобора кенгайишига ва бу борада қатор тадқиқот ишларининг олиб борилишига йўл очди. Лисон ва нутқни фарқлаб, нутқий жараёнда лисоний бирликларни вазиятга қараб қўллаш ва танланган бирликларнинг нутқ иштирокчиларига таъсир этиш масалалари тадқиқига кенг эътибор қаратилди.

Бугунги кун ўзбек тилшунослигида амалга оширилаётган ислоҳотлар “Давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш, илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг фаол интеграциялашувини таъминлаш”<sup>1</sup> масалаларига қаратилган бўлиб, бу жараённи ташкил этувчи инсон ва унинг нутқий фаолияти тадқиқига тизимли ёндашиш муҳим масала ҳисобланади. Айниқса, нутқий вазиятни нутқ эгаси билан боғлиқ ҳолда коммуникатив ва прагматик жиҳатдан ўрганиш масаласи юқорида қайд қилинган муаммоларнинг таркибий қисми сифатида жуда долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари; 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6084-сонли Фармони. Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент, 2020. 20 октябрь.

қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тил ва тафаккур, тил ва нутқ каби диалектик муносабатлар антик даврдаёқ буюк файласуфлар томонидан эътироф этилган бўлса-да, бу муносабатларни ўрганувчи тилшунослик соҳаси ўтган асрнинг охирларида прагматингвистика номи остида алоҳида ажралиб чиқди ва тараққий этди. Шундан сўнг жаҳон тилшунослигида тил бирликларини прагматик аспектда ўрганиш бўйича қатор ишлар яратилди. Жумладан, Ч.Моррис<sup>2</sup> тилга белгилар асосида ёндашди, Б.Рассел, Ж.Остин, Х.Грайс, Ж.Сёрль, К.Аллан, Ж.Лич ва бошқалар нутқий акт назариялари таснифига доир назарий фикрлар билдирдилар, Р.Лакофф<sup>3</sup> дейксис ва унинг турларини таснифлади, Р.Деклерк<sup>4</sup>, Ч.Филлмор<sup>5</sup>, С.Левинсон<sup>6</sup>, рус тилшунослигида Н.Арутюнова, Ф.Фортунатов<sup>7</sup>, А.Пешковский, А.Шахматов<sup>8</sup>, А.Богуславский, А.Кононов<sup>9</sup>, Ю.Степанов каби тилшунослар анъанавий тилшуносликда гапларнинг ифода мақсадига кўра турларга ажратилиши ва уларнинг таснифи, шунингдек, актуаллашиш назарияси бўйича, О.Артёмов<sup>10</sup> ва Т.Волошина нутқий акт таснифлари<sup>11</sup>, шунингдек, И.Коровина<sup>12</sup>, Н.Белунова<sup>13</sup>,

<sup>2</sup> Моррис Ч.У. Основания теории знаков. Издательство «Деловая книга». – Екатеринбург, 1999. – 36 с.

<sup>3</sup> Lakoff R. Remarks on This and That. In: Papers from the tenth regional meeting of Chicago linguistic society. – Chicago, 1974. – 305 p.

<sup>4</sup> Declerck R. The Grammar of the English Tense System. A Comprehensive Analysis. Volume 1. – Berlin, Mouton de Gruyter, 2006. – P. 42.

<sup>5</sup> Fillmore Ch. Santa Cruz Lectures on Deixis. – Indiana: University Linguistic Club, 1975. – 11 p.

<sup>6</sup> Левинсон С. Minimisation and conversation inference / The pragmatic perspective. Publishing company, 1987. – 455 p.

<sup>7</sup> Фортунатов Ф.Ф. “О преподавании грамматики русского языка в средней школе”, в сб.: *Избранные труды*. Гос. учебно-пед. изд. Мин. просвещения РСФСР. – Москва, 1956. – С. 447.

<sup>8</sup> Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. – Ленинград, 1941. – 474 с.

<sup>9</sup> Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М., 1960. – 450 с.

<sup>10</sup> Артёмов О.А. Типология дейксиса в семантико-прагматическом аспекте. – Минск: МГЛУ, 2019. – 176 с.

<sup>11</sup> Волошина Т.Г., Миронова Г.В. Семантика и прагматика косвенных речевых актов вопросительных конструкций (на материале англоязычных сценарных текстов); Белунова Н.И. Вопросительное и побудительное предложения в коммуникативном аспекте. – С.Петербург, 2013. Электрон статья: ISSN 1997-2911. – № 3 (69). 2017. Ч. 2. – С. 72.

<sup>12</sup> Коровина И.В. Система дейктических координат и интертекстуальный дейксис в научной коммуникации // *Russian Journal of Linguistics*, 2020. Т. 24. – № 4. – С. 876-898. DOI: 10.22363/2687-0088-2020-24-4-876-89.

<sup>13</sup> Белунова Н.И. Вопросительное и побудительное предложения в коммуникативном аспекте. – С.Петербург, 2013. – С. 876.

Т.Янковская<sup>14</sup> ва бошқалар тилшуносликнинг янги соҳасида қатор тадқиқотлар олиб бордилар.

Ўзбек тилшунослигида ҳам тил сатҳларини прагматик ўрганиш масалаларига оид тадқиқотлар яратилди. Хусусан, тилшунос олим А.Аҳмедов<sup>15</sup> нутқ объекти ва коммуникатив бирликларнинг мазмуний жиҳатлари таҳлиliga эътибор қаратди. А.Нурмонов ва Н.Маҳмудов илмий изланишларида пресуппозиция, тағмаъно каби прагмалингвистик таҳлил тушунчаларига муносабат билдирди<sup>16</sup>. М.Ҳакимов ўз тадқиқотларида матннинг прагматик хусусиятларини очиб берди ҳамда янги соҳанинг илмий-назарий асосларига доир монография ва дарсликлар яратди<sup>17</sup>. Ш.Сафаровнинг “Прагмалингвистика”<sup>18</sup>си эса ушбу йўналишнинг ўзбек тилшунослигида алоҳида фан сифатида ўрганилишида муҳим манбалардан ҳисобланади. Д.Худойберганова<sup>19</sup> матннинг антропоцентриқ моҳиятини, З.Бурхонов<sup>20</sup>, У.Раҳимов<sup>21</sup> пресуппозиция терминининг хусусиятларини очиб берди. Д.Лутфуллаева<sup>22</sup> ассоциатив бирликларнинг шаклий ва мазмуний фарқларини изоҳлади.

Ўзбек олимларининг прагмалингвистика ривожига қўшган ҳиссалари бугунги кун ўзбек тилшунослигида ушбу йўналиш доирасидаги тадқиқотларни амалга оширишда асосий пойдевор сифатида хизмат қилмоқда. Аммо тил сатҳларининг барча қатламлари янги йўналишда ҳали тўлиқ тадқиқ этилган эмас. Жумладан, гапнинг коммуникатив типлари прагматик аспектда монографик планда ўрганилмаган. Хусусан, анъанавий грамматикада кенг оммалашган содда гапнинг ифода мақсадига кўра турларини ажратишда гап мазмунини юзага чиқарувчи коммуникатив мақсад, прагматик муносабат масалалари кенг тадқиқ этилмаган. Мулоқот жараёнида прагматик муносабат, табиийки, коммуникатив мақсад асосида воқеланади. Шу боис ўзбек тилида дарак, сўроқ ва буйруқ гапларнинг семантик маъноларини нутқий жараёнда ёки контекст ичида прагматик жиҳатдан таҳлил қилиш, уларнинг прагматик омилларини белгилаш каби масалаларни бугунги замонавий тилшунослик қўлга киритган илмий-назарий ҳулосалар билан боғлиқликда ёритиш долзарблик касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон

<sup>14</sup> Янковская Т.А. Проблема дейксиса в современном языкознании / Т.А.Янковская / Теоретические методологические аспекты коммуникации: сборник научных трудов. Вып. 2 / Бел. гос. экон. ун-т, каф. межкульт. экон. коммуникации. – Минск: РИВШ, 2007. – 175 с. Библиогр. – С. 166-172.

<sup>15</sup> Аҳмедов А. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив турлари. – Т.: Фан, 1979. – 169 б.

<sup>16</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 90 б.

<sup>17</sup> Ҳакимов М.Ҳ. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. Филол. фанлар д-ри... дисс. – Тошкент, 2001. – 282 б.; Ҳакимов М., Газиёва М. Прагмалингвистика асослари. Дарслик. – ФарДУ: Classic, 2020. – 176 б.

<sup>18</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. – 320 б.

<sup>19</sup> Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Т.: Фан, 2013. – 70 б.

<sup>20</sup> Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишлар прагматикаси. Филол. фанлари номз. дисс. автореферати. – Тошкент, 2008. – Б. 38.

<sup>21</sup> Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси. Фил. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 1994. – Б. 65.

<sup>22</sup> Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – Б. 48.

Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиёти” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбек тилида содда гапнинг коммуникатив турларини нутқий акт, дейксис, пресуппозиция ва тағмаъно тушунчалари орқали прагматик хусусиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Содда гапда коммуникация ва прагматика муносабатини очиб бериш учун қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилади:

- тил бирликларида коммуникация ва прагматика муносабатини ўрганиш;
- дарак, сўроқ, буйруқ, эмоционал гапларнинг ўзига хос прагматик қийматини белгилаш;
- коммуникатив бирликларни нутқий акт таснифига доир таҳлил қилиш;
- коммуникатив бирликларнинг дейксисга муносабатини тадқиқ этиш;
- гапнинг ифода мақсадига кўра турларида ифодаланган пресуппозиция ва тағмаънони аниқлаш;
- ўзбек тилида содда гапнинг актуал бўлиниши назариясини прагматик аспектда таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Ўзбек тилидаги содда гаплар тадқиқотнинг объектини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Содда гапларнинг дарак, сўроқ, буйруқ турлари тадқиқотнинг предметиدير.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, тизимлаштириш, дискурсив таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

коммуникациянинг тадқиқ объекти нутқий мулоқот, прагматиканинг тадқиқ объекти нутқий вазият эканлиги очиб берилиб, коммуникатив типлар прагматик аспектда уч хил (ахборот узатиш мазмунини ифодаловчи прагматик бирликлар, ахборот олиш мазмунини ифодаловчи прагматик бирликлар, ҳаракатга ундовчи прагматик бирликлар) йўл билан таснифланиши аниқланган;

нутқий акт назарияси асосида ифода мақсадига кўра содда гапларнинг вердиктив, вомиссив, беҳабитив, конфлектив, эспрессив, декларатив каби прагматик маънолари хусусиятлари асосланган;

ўзбек тилида дарак, сўроқ, буйруқ гаплар дейксиснинг мазмуний жиҳатлари шахс дейксиси, замон дейксиси, макон дейксиси, дискурс дейксиси, социал дейксис орқали прагматик аспектда далилланган;

содда гапларнинг прагматик хусусиятларини очиб берувчи пресуппозициянинг лингвистик воситалар (қўшимчалар, ёрдамчи сўзлар) ёрдамида таҳлил этилиши, тағмаънонинг контекст (матн, синтактик бутунликлар) орқали аниқланиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дунё ва ўзбек тилшунослигидаги прагмалингвистик таянч тушунчалар ҳақида мавжуд назарий қарашларнинг батафсил таҳлили асосида чиқарилган хулосалар содда гапда коммуникация ҳамда прагматиканинг ролини очиб беришга хизмат қилиши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

коммуникация ва прагматиканинг мустақил тадқиқ объектига эга эканлиги назарий қарашлар асосида тадқиқ қилинган;

содда гапнинг дарак, сўроқ, буйруқ ва эмоционал типлари нутқий акт назариясига кўра тизимлаштирилган;

коммуникатив бирликларнинг дейктик хусусияти таснифланган;

содда гапларда коммуникатив бирликлар ифодаси орқали пресуппозиция ва тагмаънонинг юзага келиши тадқиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** жаҳон ва ўзбек тилшунослигида бугунги кунга қадар тадқиқ этилган ишлар асосида ўзбек тилининг ҳали тадқиқ этилмаган жиҳати аниқлангани ҳамда мавзунинг тўғри белгилангани, муаммонинг аниқ қўйилгани, шунингдек, ишни ёритишда аниқ илмий-назарий фикрларга таянган ҳолда хулосалар чиқарилгани, аниқ манбалардан мисоллар келтирилгани, мавзуга доир нашр этилган республика ва халқаро илмий конференция материаллари тўпламлари, хориж ва республика илмий журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда татбиқ этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирги кунда матн тилшунослиги, прагматингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика ва бошқа қатор фанлар масалалари юзасидан мавжуд илмий-назарий маълумотларни кенгайтириши ҳамда тўлдириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот доирасида тўпланган манбалар асосида соҳага оид терминлар луғатини тузиш; олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланмалар тайёрлаш; магистратура босқичи учун “Лингвокультурология”, “Психоллингвистика”, “Матн тилшунослиги”, “Прагматингвистика” каби фанлардан ўқув адабиётлари тайёрлашда фойдаланиш; мавзу юзасидан махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, магистрлик диссертациялари ёзишда самарали фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Содда гапнинг коммуникатив ва прагматик хусусиятларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

коммуникатив аспектнинг тадқиқ объекти нутқий мулоқот эканлиги ва прагматик аспектнинг тадқиқ объекти нутқий вазият эканлиги, шунингдек, дарак, сўроқ, буйруқ гапларнинг янги йўналишда уч хил таснифланиши хулосалардан содда гапта коммуникация ва прагматика муносабати бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти томонидан 2021-2022 йилларда олиб борилган ФА-Ф1-ГООЗ-рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал-илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими 2022 йил 14 мартдаги 17.01/52-сонли маълумотномаси). Натижада тил бирликларида коммуникация ва

прагматика муносабатини аниқлаш, дарак, сўроқ, буйруқ, эмоционал гапларнинг ўзига хос прагматик қийматини белгилаш асосида ижтимоий ҳаётдаги шахслараро коммуникатив муносабат масалалари илмий далиллар билан бойитилган;

дарак, сўроқ, буйруқ гапларнинг нутқий акт назарияси бўйича бир нечта турлага ажратилиши, дейкис тушунчаси асосида маъновий гуруҳларга бўлиниши хусусидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти томонидан ФААІ-Г007-рақамли “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги амалий-илмий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими 2022 йил 14 мартдаги 17.01/54-сонли маълумотномаси). Натижада содда гапларнинг семантик, прагматик таҳлили асосида халқ маънавий мероси бўлган нақл ва мақолларда ифодаланган мазмунни англаш ҳамда улар орқали кишиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга эришилган;

пресуппозициянинг лингвистик воситалар (кўшимчалар, ёрдамчи сўзлар) ёрдамида таҳлил этилиши, тағмаёно контекст (матн, синтактик бутунликлар) орқали аниқланиши каби илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasi “O‘zbekiston” teleradiokanali” davlat muassasasining 2022-yil 16-martdagi 06-31-470-sonli ma’lumotnomasi). Натижада мулоқот жараёнида иштирокчиларнинг коммуникатив мақсади ва прагматик муносабатини ёритишда телекўрсатув материаллари маърифий ҳамда амалий жиҳатдан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш: 1 та дарслик ҳаммуаллифликда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 161 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати илмий-назарий жиҳатдан асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва

предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг дастлабки боби **“Тилшуносликда коммуникация ва прагматика муносабати”** деб номланган бўлиб, боб уч фаслдан иборат. Биринчи фасл *“Прагматиканинг илмий-назарий асослари”* деб номланади. Антропоцентрик парадигма ўтган асрда структурализм муваффақиятлари натижаси сифатида юзага келган *“ўзида ва ўзи учун”* тамойилини бутунлай четга суриб қўйди<sup>23</sup>. Бунда асосий эътибор нутқий фаолият бажарувчиси, яъни нутқ тузувчи ва уни идрок этувчи тил эгасига қаратилди<sup>24</sup>. Тилшуносликнинг шаклланиб бораётган ушбу босқичи *“лисоний бирликларнинг ўзи ифодалаётган объектив борлиқ билан муносабати”*<sup>25</sup>ни тадқиқ этишни, инсоннинг моддий маҳсули бўлган тил бирликларини унинг яратувчиси билан биргаликда ўрганишни тақозо этади. 60-70-йилларда тил белгиларининг нутқдаги амалий қўлланишига хос контекстуал хусусиятларини ўрганиш билан тилшуносликда прагмалингвистика йўналиши юзага келган<sup>26</sup>. Дастлаб фалсафа, мантиқ каби фанлардан *“ўсиб чиққан”* прагмалингвистика ўрганиш объектига кўра тилшунослик фанида ҳам мустақил соҳа сифатида фаолият юрита бошлади. Гарчи лингвистик прагматика лисоний ҳодисаларни лингвистик тадқиқ этса-да, моҳиятан фалсафий ва мантиқий қарашларга таянади. Шу жиҳатдан ушбу фанлар ўзаро боғлиқдир. Прагматиканинг *“дунёга келиши”* фалсафа билан боғлиқ бўлса-да, аммо прагматизм йўналишининг асосчиларидан бири Ч.Пирс ушбу фалсафий тизимнинг асосий ғояси семиотик белгининг (лисоний белги ҳам назарда тутилган) маъно-мазмунини ушбу белги воситасида бажарилаётган ҳаракатнинг самараси, натижалари, муваффақияти билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши ва бу тамойил белги назарияси доирасида коммуникатив фаолият субъекти омилини инобатга олиш лозимлигини уқтирди. Ч.Пирснинг ғоялари фалсафий прагматизм ва лингвопрагматика соҳалари учун назарий асос бўлди<sup>27</sup>.

Бобнинг иккинчи фасли *“Тил бирликларининг коммуникатив ва прагматик хусусиятлари”* деб номланади. Сўзлаш жараёнида сўзловчи грамматик қонуниятларга риоя қилиши табиий, лекин сўзловчи баён қилаётган фикрнинг қабул қилинишида, белгиланган мақсадга эришилишида тингловчининг роли ҳам муҳим аҳамиятга эга, тингловчи учун перформация (нутқий ижро)ни қабул қилишда когнитив омил муҳим. *“Тил коммуникатив система сифатида реаллашади. Коммуникатив жараён эса сўзловчи ва тингловчи бирлигини талаб этади. Нутқ иштирокчилари ўртасидаги коммуникациянинг тўлиқ бўлиши учун сўзловчи нутқий тузилишдаги мазмунни тингловчига аниқ ва тўлиқ етказиш*

<sup>23</sup>Воркачев С.Т. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – М., 2001. – № 1. – С. 64.

<sup>24</sup>Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Т., 2013. – Б. 6.

<sup>25</sup>Нурмонов А., Ҳақимов М. Синтактик бирликларнинг прагматик томони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – № 5. – Б. 22.

<sup>26</sup>Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. Филол. фанлари д-ри... дисс. – Т., 2001. – Б. 14.

<sup>27</sup>Бу ҳақда қаранг: Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 38.

имконини излайди. Сўзловчи тингловчининг ақлий ва ижтимоий қобилиятига қараб мулоқотга киришади. “Коммуникатив мақсадга эришиш учун сўзловчи ўз жумласини шундай тузиши лозимки, у учун энг муҳим бўлган хабарни таъкидлаш биринчи навбатда туриши лозим. Шунга кўра, сўзловчи ҳам суҳбатида қутилган реакцияни кўзгатади, яъни унга таъсир ўтказади”<sup>28</sup>.

Анъанавий тилшуносликдан маълумки, гапнинг коммуникатив функциясида дарак гаплар ахборот узатишни билдирса, сўроқ гаплар тингловчидан ахборот олишни, буйруқ гаплар иш-ҳаракатга ундашни англатади. Аммо гапнинг ифода мақсадига кўра турларининг коммуникатив вазифасидан ташқари, прагматик вазифаси ҳам борки, ўз фикрини ифодалашда сўзловчи учун нафақат мақсад, балки вазият ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Демак, прагматик жиҳатдан гапларни ифода мақсадига кўра турларга ажратишда сўзловчи нияти ҳамда у сўзлаб турган вазият ҳам инобатга олинади. Шунга кўра, гапнинг ифода мақсадига кўра турларини прагматик аспектда қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. *Ахборот узатиш мазмунини ифодаловчи прагматик бирликлар*. Уларни, ўз навбатида, 2 турга бўлиш мумкин: а) реал (амалга ошиши мумкин бўлган) бирликлар; б) ирреал (мавҳум, амалга ошиши мумкин бўлмаган) бирликлар; воқеланган бирликлар иш-ҳаракатнинг, воқеа-ҳодисанинг амалга ошиб бўлганлигини ёки эндиликда амалга ошиши мумкин бўлган, реалликка асосланган пропозицияни англатади.

2. *Ахборот олиш мазмунини ифодаловчи прагматик бирликлар* – бунга, асосан, сўроқ гапларни киритиш мумкин. *Соат неча бўлди?*

3. *Ҳаракатга ундовчи прагматик бирликлар* – буйруқ гапларни киритиш мумкин. *Уй вазифангни бажар.*

Бобнинг учинчи фасли “*Ўзбек тилшунослигида прагматик тадқиқотлар*” деб номланади. “Илмий тафаккур тараққиёти ҳар қандай фан соҳасидаги назарий қарашларнинг ўзгаришига, тадқиқотнинг янги методлари яратилишига ва ушбу методлар татбиқида янги назарий ғояларга таяниш асосида тамоман ўзга амалий натижаларга эришилишига сабаб бўлади”<sup>29</sup>. Тилшунослик тарихининг барча босқичида ўзига хос тадқиқ методологияси билан салмоқли таъсир кўрсатган ўзбек тилшунослиги фаннинг янги соҳасига илмий-назарий қарашлар асосида янги муносабат билдирди ва бу борада янги бир поғонага кўтарилди. Ўзбек тилшунослигида янги йўналишга бўлган қизиқишлар тобора кенгайиб бормоқда. А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Аҳмедов, Ш.Сафаров, М.Ҳақимов, О.Бозоров, С.Боймирзаева, Д.Худойберганова, Л.Раупова, З.Бурхонов каби тилшуносларимизнинг тадқиқот ва изланишлари бунга мисолдир. Жумладан, Н.Маҳмудов ва А.Нурмонов лисоний бирликларга субъектив ёндашиб, “гап семантикасининг таҳлили вазият элементлари ва уларнинг акс эттириш босқичидаги муқобилларини аниқлаш”<sup>30</sup>га эътибор қаратганлар. М.Ҳақимов

<sup>28</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 38.

<sup>29</sup> Ўша манба. – Б. 34.

<sup>30</sup> Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 34.

“Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини”<sup>31</sup>ни ёритиб берди ва ўзбек тилшунослигида шаклланаётган прагмалингвистика асослари, нутқий акт назарияси масалаларининг кенг қамровда тадқиқ этилишига муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, Ш.Сафаров<sup>32</sup> ҳам янги соҳанинг ўз йўналиши, унинг таҳлил таянч тушунчалари ва тадқиқ объекти ҳақида кенг маълумотлар берган ҳамда ўзбек тилшунослигида илмий-амалий тадқиқ этишининг истиқболли йўналиши сифатида прагмалингвистиканинг ўрнини маълум маънода белгилаган.

“Содда гапнинг коммуникатив турларида нутқий акт” деб номланган 2-боб тўрт фаслдан иборат: бу бобда, асосан, дарак, сўроқ, буйруқ гапларнинг нутқий акт таснифи ва уларнинг прагматик аспектда эмоционаллик ифодаланиши ёритиб берилган.

Мазкур бобнинг биринчи фасли “Дарак гапларда нутқий акт” деб номланади. Дарак гапнинг прагматик жиҳатини очишда нутқий акт таснифи муҳим аҳамият касб этади. Нутқий акт таснифида дарак гапларнинг прагматик маъноларини очиб берувчи бир қанча турларини кўриш мумкин. М.Ҳақимов, Ш.Сафаров каби тилшунослар ўз тадқиқотларида прагмалингвист Ж.Остин, Ж.Серль ва бошқаларнинг нутқий акт таснифига доир тавсифларини шарҳлаб ўтган. Нутқий акт таснифининг ушбу турлари дарак гапларнинг турли мазмундаги, турли вазиятдаги қирраларини очиб беришга хизмат қилади. Жумладан, ваъда бериш, табриклаш, таъзия билдириш, ҳукм чиқариш, қарор бериш мазмунидаги гапларни ҳам дарак гапларнинг прагматик турларига киритиш мумкин.

Лисоний тафаккур фаолияти жараёнида кузатилган амаллардан бири – тизимлаштириш, таснифлашдир<sup>33</sup>. Жумладан, Ш.Сафаров Ж.Остин, К.Аллан, Ж.Серл каби олимларнинг нутқий акт назариясига берган таснифлари<sup>34</sup> ва улар ўртасидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини кўрсатиб ўтган, уларни умумлаштирган ҳолда дарак гапларга хос прагматик хусусиятлар қуйидагича таснифланди:

1. *Вердиктив* – қарор чиқариш, ҳукм қилиш, огоҳлантириш ва шу мазмунидаги дарак гаплар (бу турдаги гаплар бир қарашда буйруқ мазмунини ҳам ифодаланиши мумкин, аммо “фармойиш қилинди”, “қарор қилинди” ҳукмли лисоний қолипларда кўпроқ ахборот бериш мазмуни ифодаланади). Масалан, *Мажлис қарор қилади. Президент фармони қабул қилинди. Биринчи мартта сизни огоҳлантираман. Машининангиз жарима майдонига олиб борилади.*

2. *Комиссив* – ваъда бериш ва уни ижро этиш мазмунидаги дарак гаплар: “*Сенга уйланаман*”, “*Муҳаббатингни қозонаман*”, “*Бу йилги ҳосилни юз фоиз бажарамиз*”, “*Мен уддаладим*”.

3. *Бехабитив* – ижтимоий ҳаётда қўлланиладиган одоб-ахлоқ, этик-эстетик қоидаларига асосланган нутқий ҳаракат бирликлари: “*Ёрдамингиз учун*

<sup>31</sup>Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. Филол. фанлар д-ри... дисс. – Тошкент, 2001.

<sup>32</sup>Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 320 б.

<sup>33</sup> Сафаров Ш. Ўша манба. – Б. 152.

<sup>34</sup>Бу ҳақида қаранг: Сафаров Ш. Ўша манба. – Б. 154.

миннатдорман”, “Сизни кўрганимдан хурсандман”, “Ёрдамингизни аямаганингиз учун раҳмат”.

4. *Конфликтив* – таҳдид, сўқиш, қарғиш, айблов мазмунидаги салбий ахборот узатувчи дарак гаплар: “Сени қаматаман”, “Барча кўргуликларга сен айбдорсан”, “Кун кўрмагин, илоё”, “Сут кўр қилсин, оқпадар”.

5. *Декларатив* – шахс ижтимоий ҳаётидаги ролининг ўзгаришида иштирок этиш: *Сенинг исминг Муҳаммад. Сенинг исминг Муҳаммад. Сенинг исминг Муҳаммад* (чакалоқ кулоғига азон айтилганда).

6. *Эспрессив* – тилак, табрик, дуо ва бошқа ижобий мазмунда қўлланувчи дарак гаплар (бунга маросим, урф-одат, таъзия-марака каби тадбирларда қўлланилувчи деярли тайёр лисоний бирликларни киритиш мумкин): *Сизга узоқ умр тилайман.*

Бобнинг иккинчи фасли “**Сўроқ гапларда нутқий акт**” деб номланади. Юқорида берилган барча таснифлар умумлаштириб, сўроқ конструкцияли нутқий актлар қуйидагича таснифланди:

1. *Декларатив* – шахснинг ижтимоий ҳаётдаги ролининг ўзгаришида иштирок этиш: *Сизким, Отабек Юсуфбек ҳожи ўгли Кумушбиби Мирзакарим қизини ўзингизга шаръий хотинлиққа қабул қиласизми?*

2. *Директив* – (буйруқ, савол, илтимос, огоҳлантириш, ғазаб ва истехзо) мазмунидаги сўроқ гаплар: буйруқ: *Тезроқ юрмайсанми? Топшириқларни вақтида бажара оласанми?* Савол: *Мақолани неча кунда топширасизми?* Илтимос: *Тадбирда менинг ўрнимдан иштирок эта оласизми?* Огоҳлантириш: *Кейинги сафар кечикмай келасиз-а?* Ғазаб: *Нега шуни аввалроқ айтмадинг?* Истехзо: *Бизларни йўқлабдиларми? Нечук?*

3. *Прохибитив* – тақиқлаш мазмунидаги сўроқ гаплар: *Бу менинг ҳаётим. Шу мавзуга бошқа қайтмасак? (ўзи ҳақидаги мавзуга қайтишни тақиқлаяпти).*

4. *Предиктив* – тахмин маъносидаги сўроқ гаплар: Тахмин: *Келармикин?*

5. *Комиссив* – таклиф маъносидаги сўроқ гаплар: *Тўйимга келасизми?*

6. *Акнолежмент* – такаллуф, эҳтиром маъносидаги сўроқ гаплар: *Уриниб қолмайсизми? Ижозатингиз билан мен энди кетсам?*

7. *Эспрессив* – таъзия мазмунидаги сўроқ гаплар: *Хафа бўлмай ўтирибсизми?*

Бобнинг учинчи фасли “**Буйруқ гапларда нутқий акт**” деб номланади. Нутқий актларнинг барча тури ҳам буйруқ гаплар учун тўғри келмайди. Ж.Сёрль, К.Аллан, Ж.Личларнинг нутқий акт таснифларини умумлаштирган ҳолда буйруқ гапларнинг нутқий акт таснифи қуйидагича тизимлаштирилди:

1. *Вердиктив* – ҳукм чиқариш мазмунидаги буйруқ гапларнинг бу тури буйруқ гаплар учун хосдир: *Уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилсин.*

2. *Экзерситив* – адресант ҳукмронлиги устунроқ бўлган вазиятда, ўз ҳуқуқи, мансабидан фойдаланган ҳолда буйруқ бериш, огоҳлантириш, мажбур қилиш мазмунини ифодаловчи буйруқ гаплар: *Аризангни ёз. Бўйсан. Бу ҳолат бошқа такрорланмасин.*

3. *Экспозитив* – изоҳлаш, тавсифлаш тушунтириш орқали ҳукм ўтказиш мазмунини ифодаловчи буйруқ гаплар: *Эртага қарзингни қайтарадиган кун. Ўнинчида онангни табриклаш эсингдан чиқмасин.*

4. *Директив* – буйруқ, савол, илтимос, огоҳлантириш мазмунидаги буйруқ гаплар. Буйруқ гапнинг бу турида тингловчини фаолиятга ундовчи нутқий актлар иштирок этади: *Билиб туриб нега айтмайсан? Вазифани ўз вақтида адо қил. Уй ишларига қарашиб юбор.*

5. *Эспрессив* – тилак, табрик, дуо ва бошқа ижобий мазмунда қўлланувчи буйруқ гаплар (бунга маросим, урф-одат, таъзия-марака каби тадбирларда қўлланувчи деярли тайёр лисоний бирликларни киритиш мумкин). Дарак гапларда ҳам, сўроқ гапларда ҳам қўлланилиши мумкин: *“Таъзиямни қабул қилинг”, “Бундай байрамларнинг кўпини кўринг”* каби.

Тўртинчи фасл **“Коммуникатив бирликларда эмоционаллик”** деб номланади. Ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи гаплар субъект билан боғлиқ ҳодиса бўлганлиги учун сўзловчининг эмоционал ҳолатини ифодалайди. Ҳис-ҳаяжон гаплар сўзлашув нутқида янада “жонланади”. Шунинг учун бу типларни шахс ва унинг ҳолати билан тадқиқ этиш мавзунинг асосий объекти бўлиб хизмат қилади.

А.Аҳмедов гапларни фикрни ифодалаш ва ҳис-туйғуни ифодалашига кўра турларга ажратади<sup>35</sup>. Шунга кўра, нутқий эмоционалликни ифодалашига кўра коммуникатив бирликлар қуйидагича таснифланади:

- а) интеллектуал (ақлий) ҳолатни ифодалайдиган бирликлар;
- б) эмоционал ҳолатни ифодаловчи бирликлар.

Интеллектуаллик устуворлик қиладиган гапларда шахснинг ақлий фаолияти асосий бўлиб, эмоция деярли нейтрал хусусият касб этади. Бунда шахс ортиқча эмоция (релевант эмоция)дан холи фикрлайди ва ҳар бир вазиятни интеллект салоҳиятига таянган ҳолда баҳолайди. Масалан, *Бахт учун белгиланган вақт бор – инсон у вақтдан олдин бахтга эриша олмас экан (радиоэшиттиришидан)*. Мисолда бахтга эриша олмаганликни ортиқча ҳис-туйғуларсиз қабул қилиш лозимлиги, ҳар қандай ҳолатда ҳам муаммога ақлий ёндашишга, яъни бахтга эриша олмаганликни тушкунлик кайфияти билан қабул қилишга эмас, балки уни ақлий салоҳият билан тўғри баҳолашга ундалмоқда. Демак, ҳар қандай дарак гапларни ҳам ҳис-ҳаяжон гапларга айлантира олмаймиз.

Эмоционал ҳолатни ифодаловчи бирликларда сўзловчининг ақлий ҳолатидан кўра унинг ҳис-туйғулари устун туради. Эмоция салбий ҳолатни ҳам, ижобий ҳолатни ҳам ифодалаш мумкин. Эмоционалликнинг турли кўринишлари (қаҳр-ғазаб, шодлик, ҳаяжон, ғам-қайғу кабилар) мавжуд бўлиб, шахснинг интеллектуал ҳолатини “четга суриб қўяди”. Шунингдек, ҳис-туйғуни ифодаловчи гапларда ҳам субъектнинг эмотив даражасини акс эттирадиган ҳолатлар борки, бу даража лисоний воқелик натижасида намоён бўлади. Е.Яковлева ҳам эмоция даражаси ҳақида тўхталиб, уни модаллик билан боғлайди: “Эмоциянинг градуаллиги унинг сифат кўрсаткичидир, шунинг учун ҳам модаллик инсон ҳиссиётининг алоҳида турларини (масалан, кўрқув,

<sup>35</sup> Аҳмедов А. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив турлари. – Тошкент: ЎзССР Фан, 1979. – Б. 11.

эхтиёткорлик, ваҳима, даҳшат каби) лисоний жиҳатдан белгилайди<sup>36</sup>. Масалан, *Фарзандининг бу қилмишларини эшитган она йиглаб юборди: сени туққандан кўра қорнимни ёриб ташласам бўлмасмиди*. Ушбу мисолда сўзловчининг ғазабланиш туйғуси кучайиб, унинг ақлий салоҳиятини “заифлаштирган”. Салбий ҳолатни намоён қилувчи бу каби қатор омиллар жуда кўп учрайди. Улар шахснинг интеллектуал функциясини чеклаб кўяди: *Менинг нафратимни ўзгирлама! Сендан қолгани – бор-йўғим шу!* (А.Дюма. “Граф Монте Кристо. Ифъ қальясининг маҳбуси”). Салбий ҳолатни акс эттирувчи нафрат туйғусини ифодалаган ушбу мисолда йигирма йиллик қамоқдан сўнг маҳбубасининг душманига текканини эшитган қаҳрамоннинг муносабати ифодаланган. Ғам-қайғу мазмунини ифодаловчи: *Ё, Раббим, бу кунларни кўрсатгандан жонимни олсанг бўлмасмиди?! мисолида шахснинг кучли тушкунлик ва эмотив ҳолатдалиги ифодаланган. Меъёрий фикр ва меъёрий вазиятда киши ўз жонидан кечишни истамайди. Салбий эмоцияни англатувчи ушбу мисол ҳам мазмуний жиҳатдан юқоридагига яқин: *Жисмимга меҳмон бўлган руҳимни азоблардан халос эт!* (“Сенсиз” миллий фильmidан). (Яъни жонимни ол маъносида). Эмотив ва фикрий ҳолатнинг номувофиқлиги юқоридаги мисолларда яққол кўзга ташланади. Яъни ноамалий истак эмотив нутқий қиёфа касб этади.*

Ш боб “**Содда гапнинг коммуникатив турларида дейксис**” деб номланади. Унда дарак, сўроқ буйруқ гапларда дейксиснинг қўлланиши ва унда эмпционаликнинг ифодаланиши ҳақида сўз боради.

Ушбу бобнинг биринчи фасли “*Дарак гапларда дейксис*” деб номланади. Тилшуносликдаги мавжуд прагматингвистик қарашларни умумлаштирган ҳолда дарак гапнинг дейктик таснифи қуйидагича тизимлаштирилди:

1. *Дарак гапларда шахс дейксиси*. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тўрт ўлчовли майдон сифатида тасаввур қилинаётган дейктик майдоннинг марказида сўзловчи шахс туради. Кечаётган ҳодиса ҳақидаги ахборотни маълум қилаётган шахс замон ва маконни ўзи эгаллаган ўринга, вақтга нисбатан белгилайди<sup>37</sup>. А.В.Кравченко нутқда субъектнинг иштироки ҳақида гапиради ва уларни икки типга ажратади: идрок ва нутқ концепти. Тилшунос нутқий вазиятда идрокни бирламчи ҳисоблайди, сабаби билим ва ҳиссий англаш манбаи нутқ вазиятининг элементлари вазифасини бажаради, нутқ эса иккиламчидир, чунки нутқ – субъектнинг билим ёки ҳиссий жараёни натижасида юзага келувчи процесс<sup>38</sup>.

Шахс дейксисининг бу турида олмошнинг барча турлари – кишилиқ, ўзлик, бўлишсизлик, белгилаш, гумон ва баъзан сўроқ олмошлари иштирок этади. Шунингдек, шахс дейксисида қўлланадиган дейктик бирликларнинг ўзи турли вазиятда турлича қўланади. Дейктик бирликларнинг нутқда қўлланилиш доирасига қараб уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) ҳам сўзловчи учун, ҳам тингловчи учун кўриниб турган ва аён бўлган шахс: *Бу одамни қанча кутганимни тасаввур ҳам қила олмайсан;*

<sup>36</sup> Яковлева Е.С. О связи дейксиса и модальности. В кн.: Противоречивость и аномальность текста. – М.: Наука, 1990. – С. 235-246.

<sup>37</sup> Сафаров Ш. Прагматингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат и.н, 2008. – Б. 164.

<sup>38</sup> Кравченко А.В. Вопросы теории указательности: Эгоцентричность. Дейктичность. Индексальность. – Иркутск: Изд-во Иркут. ун-та, 1992. – С. 210.

б) сўзловчи ва тингловчи учун кўринмаган, аммо ҳар иккисига ҳам аён бўлган шахс: *Сен билган ўша одам, аслида, ўғри*. Кўринадики, биринчи тасниф у, бу, ана шу, мана бу каби индексал категорияни ифодалайдиган, яққол кўрсатувчи ишоравий бирликлар учун хос бўлса, иккинчи тасниф учун у, ўша каби дейктик иборалар хосдир. Биринчи тасниф учун қўлланадиган бирликларни баъзи тилшунос олимлар эгоцентрик сўзлар сифатида таърифлайди ва бу бирликларни нутқ ҳаракатланаётган вақт билан боғлайдилар.

2. *Дарак гапларда макон дейксиси*. Воқеликнинг идрок қилиниши ва бу идрокнинг лисоний ифода топиши икки асосий лисоний – тафаккур ҳаракатини талаб қилади: биринчидан, воқелик парчасини тавсифлаш лозим бўлса, иккинчидан, уни маълум маконда жойлаштириш талаб қилинади. Воқеликни тавсифлашда макон муҳим ҳисобланади. Мулоқот жараёнида унинг иштирокчилари эгаллаган ўринга ишора макон дейксиси мазмунини ташкил қилади<sup>39</sup>. Нутқда жой номи ҳар доим ҳам ўз номи билан аталмаслиги мумкин. Чунки матн давомида бунга эҳтиёж сезилмайди. *Агар бу атрофларда бир кулфат олови ёқилишига тайёргарлик кўриляётган бўлса, унинг назарида, марказдагилар буни билишлари керак эди* (Т.Малик. “Шайтанат”). Ушбу парчадаги *бу атроф* дейктик бирлигидан кўриниб турибдики, муаллиф олдиндан маълум бўлган маконга ишора қилаёпти (макон ҳақида аниқ маълумот контекст (асар) ичидагина намоён бўлади).

Маконга ишора қилинаётган гапларда, асосан, ўрин равишлари, кўрсатиш олмошлари қўлланилади. Бу бирликлар аниқ маконнинг ўриндошлари ҳисобланиб, нутқий жараёнда адресат ва адресантгагина маълум бўлади: – *Шу ерда хайрлашамиз. Ҳамма уй-уйига*. (Т.Малик). Мисолдаги *шу ер* мулоқот вазиятига нисбатан назарда тутиляётган макон. Нутқий фаолият жараёнидаги макон дейксисини таҳлил қилар эканмиз, воқеликнинг сўзловчи эгаллаган ўринга нисбатан олинишини кузатамиз. Масалан, *Пойтахт бу ердан анча узоқда жойлашган*. Демак, нутқ жараёни Тошкентдан анча узоқда бўлган жойда воқеланаётганлигини билдиради. Баъзан маконнинг узоқ ёки яқинлиги нафақат сўзловчига, балки тингловчига нисбатан ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, *Бир қадам олга*. Бу ундаш тингловчи (бажарувчи)нинг турган жойига нисбатан айтилмоқда.

Шахс дейксиси каби макон дейксисида ҳам нутқ вазиятига қараб қўлланадиган дейктик бирликлар мавжуд. Шу жиҳатдан макон дейксиси учун ҳам ушбу тасниф ўринлидир:

а) ҳам сўзловчи учун, ҳам тингловчи учун кўриниб турган ва аён бўлган маконга нисбатан: *Бу ерлар менга отамдан мерос*.

б) сўзловчи ва тингловчи учун кўринмаган, аммо ҳар иккисига ҳам аён бўлган маконга нисбатан: *Босиб олинган барча жойлар – бизники*.

3. *Дарак гапларда замон дейксиси*. Воқеликда кечаётган ҳодисалар баёнида ва улар ҳақида ахборот узатишда унинг кечиш даври, пайтини кўрсатиш муҳимдир. Бундай кўрсатиш вазифасини замон (вақт) дейксиси воситалари

<sup>39</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат и.н, 2008. – Б. 171.

амалга оширади<sup>40</sup>. Нутқий ҳаракат бажарилиши вақт даврийлиги доирасидан ташқарида юзага келмайди. Ҳар қандай нутқий воқелик маълум бир даврда юзага келади. Маълумки, замон дейксисини ифодаловчи воситалар нутқий жараёндан олдин ёки кейин воқеланганлигини англатади. Масалан,

– *Кўрдингизми, – дейди қария ўйчан оҳангда, – ўша кун кечаси билан жала қуйиб чиқди (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”).*

Нутқий фаолият жараёнида шундай дейктик бирликлар қўлланиладики, булар замон дейксисини очиб берувчи воситалар ҳисобланади. Яъни бу бирликлар орқали биз нутқий воқеликнинг қайси давр (замон)да рўй берганлигини фаҳмлаб олишимиз мумкин. Масалан, *Агар бу атрофларда бир қулфат олови ёқилишига тайёргарлик кўрилаётган бўлса, унинг назарида, марказдагилар буни билишлари керак эди* (Т.Малик. “Шайтанат”). Ушбу мисол орқали воқелик 70-80 йилларга, яъни шўролар тузуми пайтида рўй берганини билиш мумкин (*марказ* ибораси, асосан, ўша даврларда қўлланилган). Замон дейксиси нутқий ҳаракат мазмуни ва мундарижасини белгилашда асосий ўринни эгаллайди. Ушбу мисол ҳам юқоридаги таърифни исботлаш учун асос бўла олади: – *Ишларидан ишқал чиқиб турганда дам олишга бало борми? Мен, кўнглим сезган экан, бошидаёқ “узоққа кетманг”, дедим. Бу қари бюрократларга қайта қуришининг моҳиятини тушунтириб бўлмаяпти.* (Т.Малик. “Шайтанат”). Мисолда *қайта қуриши* ибораси (20-асрнинг 80-йиллари ўрталарида кенг истеъмолга кирган тушунча<sup>41</sup>) даврга нисбатан ишора қилинган дейктик бирликдир.

4. *Дарак гапларда дискурс дейксиси.* Дейксиснинг бу тури дарак гапларда бошқа коммуникатив типларга нисбатан биров нофаолроқдек кўринади, сабаби дарак гапларда адресант ахборот узатувчи сифатида биринчи планга чиқади. Тингловчи эса ахборотни қабул қилувчи сифатида иккинчи планга ўтади. Маълумотни қабул қилувчи ҳар доим ҳам реакцияга киришавермайди. Дейктик тавсифга кўра, сўзловчи узатаётган маълумот маълум бир фазовий вақтда, аниқ маконда юзага чиқар экан, ахборот матни ҳам шунга қараб таҳлил қилинади. Дискурс таҳлил нутқий мулоқотни талаб қилса-да, биз асосан, таҳлилни сўзловчининг матни устида олиб борамиз. Ва шу таҳлил орқали сўзловчи ва тингловчининг нутққа муносабатини очиб берамиз. Дискурс дейксисида эътиборга олинган нарса – бу анафора ва дейктик ибораларнинг қўлланилиши ҳамда улар ўртасидаги фарқ. Анафора бир тушунчани қайта номлашда қўлланилади, уларнинг референти олмошлардир. Бу референтлар мулоқотнинг олдинги қисмига ишора қилади. *Мен кеча 12:00 да хонада эдим. Мурод ҳам ўша пайтда келганди* мисолидаги *12:00 – ўша пайт* бир вақтни қайта такрорловчи анафорик жараёндир. Одатда, *бу, ўша* олмошлари объектнинг сўзловчига яқинлигини, ундан ажралмаган ҳолда кўрсатиш учун қўлланилади. Аммо дискурс дейксисида сўзловчининг ундан олдин айтган гапига ишора сифатида

<sup>40</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат и.н, 2008. – Б. 74.

<sup>41</sup> Интернет ресурс: *Vikipediya*. Ўзбекистон миллий энциклопедияси (2000-2005) маълумотларидан фойдаланилган. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Qayta\\_qurish](https://uz.wikipedia.org/wiki/Qayta_qurish).

ҳам қўлланилади<sup>42</sup>. Масалан, *Бу билан мен сизни айбдор демоқчимасман* (сўзловчи олдинги гапида тингловчининг айбдорлигига қисман ишора қилган).

Дейктик бирликлар олдинги мулоқотни кейингисига боғлайди ва шу орқали мулоқотнинг тадрижийлигини таъминлайди. Дейктик бирликлар, асосан, субъектив муносабатни ифодаловчи бирликлардан иборатдир.

– *Йигирма бирми ё фантомасми? – деб сўради Зелихон.*

– *Менга барибир, – деди Жамшид.*

– *Демак, устасига фарқи йўқ экан, – Зелихон шундай деб чўнтагидан тахи бузилмаган карта олиб Жамшидга узатди. – Бузиб, чийланг* (Т.Малик. “Шайтанат”). Ушбу мулоқотда қўлланган демак – дейктик бирлиги сўзловчини кейинги нутқий ҳаракатни амалга оширишга ундаяпти.

5. *Дарак гапларда социал дейксис.* Дейксиснинг бу тури шахснинг ижтимоий мавқеи билан боғлиқдир. Шахс мулоқотининг қай тартибда кечиши ҳам нутқ жараёнида ижтимоийликни таъминлаб беради. “Сухбатдошига нисбатан билдирилаётган муносабат яширин ёки очик, ижобий ёки салбий, бевосита ёки билвосита кўринишларга эга бўлиши”<sup>43</sup> социал дейксисни юзага келтиради. Ижтимоий табаканинг барча вакиллари ўз мулоқот усулига эга. Бу жинс, ёш ёки ижтимоий келиб чиқиш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Социал дейксисни ифодаладиган белгилар грамматик воситалар (-лар феълнинг ҳурмат категорияси шакли, шахс олмошлари услубий қўлланилиши, масалан, *мен ўрнида биз, камина, қулингиз* каби) ва дейктик бирликлар ёки иборалар (*мамнуният билан шуни айтишим мумкинки, шу нарса аён бўлдики* каби) бўлиши мумкин.

С.Левинсон социал дейксисни икки турга: мутлақ социал дейксис ва нисбий социал дейксисга ажратади<sup>44</sup>. Мутлақ социал дейксис – умуммаданий қадриятлар билан боғлиқ бўлса, нисбий социал дейксис – миллий ва маҳаллий қадриятлар билан боғлиқ бўлиб, маълум бир миллатнинг урф-одатларини акс эттиради. Нисбий социал дейксисни тилшунос Ш.Сафаров<sup>45</sup> табу (эвфемизм) шакллари билан боғлаб, қариндош-уруғчилик каби табақаланишлар муносабатида сухбатдошлар ижтимоий мавқеининг грамматик тизимда акс этишини мисол қилади.

Бобнинг иккинчи фасли “*Сўроқ гапларда дейксис*” деб номланади.

1. *Сўроқ гапда шахс дейксиси.* Сўроқ гап ҳосил қилишда фаол дейктик бирликлар бу, албатта, сўроқ олмошлари ҳисобланади. Аммо олмошларнинг барча турлари дейктик сўроқ гапларда иштирок этиши мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, дейктик бирликларни ифодаловчи бирликлар ҳар доим ҳам олмошлар бўлавермайди, баъзан маконга, замонга, шахсга ишора қилувчи шундай концептлар борки, у орқали сухбатдош макон, замон, шахсга боғлиқ ходисаларни англаб олади. Олмошлардан фарқли ўлароқ, бундай бирликлар

<sup>42</sup> Янковская Т.А. Проблема дейксиса в современном языкознании / Т.А.Янковская // Теоретические и методологические аспекты коммуникации: сборник научных трудов. Вып. 2 / Бел. гос. экон. ун-т, каф. межкульт. экон. коммуникации. – Минск: РИВШ, 2007. – 175 с. Библиогр.: с. 172. – С. 166-172.

<sup>43</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат и.н, 2008. – Б. 193.

<sup>44</sup> Levinson S.C. Pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1984. – P. 419.

<sup>45</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат и.н, 2008. – Б. 195.

луғавий маънога эга (олмошларнинг прагматик маъноси бор, аммо луғавий маънога эга эмас). Масалан, *Қизиллар шаҳарни ҳали қуршаб олишмадимми? Марказдагиларга хабар бердингизми?* Ушбу гапда берилган *қизиллар, марказдагилар* дейктик бирликлари орқали давр, шахс, макон англашилиб турибди. Ушбу концептларда даврга ишора бўлса-да, аммо буларнинг соф дейктик бирликлар эканлиги у қадар ишончли эмас. Баъзи тилшунослар дейктик ибораларни олмош каби нисбий, “ичи бўш” сўзлардан иборат бўлади, дея ҳисоблайди. Дейктик бирликларнинг нутқда қўлланилиш доирасини сўроқ гаплар мисолида кўриб чиқамиз. Шахс дейкисини ифодаловчи сўроқ гаплар ҳам шундай тасниф қилинди:

а) ҳам сўзловчи учун, ҳам тингловчи учун кўриниб турган ва аён бўлган шахс: 1. *Анварни кўриб, ўрнидан турди. – Сизмидингиз? Қўрқиб кетибман, – деди (Т.Малик. “Шайтанат”).* 2. – *Сиз ўшаму? (А.Қод. “Ўткан кунлар”).*

б) сўзловчи ва тингловчи учун кўринмаган, аммо ҳар иккисига ҳам аён бўлган шахс: – *Тўхтамуродни сен урдингми?*

3. *Сўроқ гапларда замон дейкисини.* Дейкисини ифодаловчи бирликларда замон тушунчаси сўзловчи ва тингловчи учун муҳимдир. Ч.Филлмор<sup>46</sup> дейкисига шундай таъриф беради: “Дейкис – бу нутқнинг вазият билан боғлиқ бўлган, нутқ вазиятидан олдинги ёки кейинги давр, сўзловчининг нутқ вазияти билан алоқадор вақтдаги ўрни. Замондан ташқарида ҳеч қандай ҳаракат содир бўлмайди. Ҳар бир нутқий ҳаракат маълум бир вақтни талаб қилади”.

Замон дейкисини ифодаловчи сўроқ гаплар таснифи қуйидагича:

а) ҳам сўзловчи учун, ҳам тингловчи учун кўриниб турган ва аён бўлган замон: *Эртага худди шу пайтга етиб кела оласизми?*

б) сўзловчи ва тингловчи учун кўринмаган, аммо ҳар иккисига ҳам аён бўлган замон: *Шунча вақтдан бери қаерда эдингиз?*

4. *Сўроқ гапларда дискурс дейкисини.* Олдинги вазиятни кейинги вазиятга боғлаш, олдинги позицияни кейинги бирон бир бўлакка ёинки олмошга боғлаш, нутқий жараёнда суҳбатдоши билан дискурсни мантиқан ва грамматик давом эттириш мақсадида қўлланади. Гапни актуаллаштирувчи элементлар оҳанг ва унда иштирок этаётган бўлақлар бўлса, матндаги актуал пропозицияни аниқлашда айнан дейкис ёрдам беради. Дискурс дейкисини эътибор қаратилаётган матнни битта дейктик бирлик орқали аниқлайди.

5. *Сўроқ гапларда социал дейкисини.* Социал дейкисини учун Г.Юл киритган ҳонорификлар атамаси аҳамиятлидир<sup>47</sup>. Ҳонорификлар – шахс ижтимоий мавқеини билдирадиган лисоний бирликлар. Сўроқ гапларда социал дейкисини аниқлашда мулоқот иштирокчиларининг мулоқот мазмуни ёрдам беради. Бунда сўзловчи билан тингловчининг ҳам роли жуда муҳим. Мурожаат қилувчи шахс партнёрининг ижтимоий мавқеини инобатга олган ҳолда савол беради. *Нима буюрадилар, шоҳим?*

Бобнинг учинчи фасли “*Буйруқ гапларда дейкисини*” деб номланади.

<sup>46</sup> Fillmore Ch. Deictic Categories in the Semantics of «Come» // Foundations of Language. International Journal of Language and Philosophy. Vol. 2. – № 3. – USA, 1966. – P. 8.

<sup>47</sup> Yule G. Pragmatics. – Oxford:Oxford University Press, 1996. – P. 138.

1. *Буйруқ гапларда шахс дейксиси.* Буйруқ гапларнинг семантик маъноси феълнинг буйруқ-истак майлидаги шакли билан ифодаланади. Буйруқ гапнинг асосий мазмуни, асосан, гапнинг кесими орқали намоён бўлгани учун шахс дейксисида коммуникатив гапнинг бу тури биров нофаолроқ. Яъни буйруқ гап орқали шахсни аниқлаб олиш имкони бўлса-да, эътибор маркази субъектга эмас предикатга қаратилади.

2. *Буйруқ гапларда макон дейксиси.* Макон дейксисини ифодаловчи буйруқ гапларнинг объектга нисбатан ишораси турли хил бўлиши мумкин:

а) ҳам сўзловчи учун, ҳам тингловчи учун кўриниб турган ва аён бўлган макон: *Курсига ўтир.*

б) сўзловчи ва тингловчи учун кўринмаган, аммо ҳар иккисига ҳам аён бўлган макон: *Мен айтган жойга етиб бор.*

3. *Буйруқ гапларда замон дейксиси.* *Эртага йигилиши!* Локутив жараён иллокуцияга нисбатан номувофиқ. Яъни локутив жараён сўзловчи мақсади бўлса, иллокуция адресат нутқининг воқеланиши. Мисолда сўзловчи “*Эртага йигилиши*” дея хабар бераётгандек, аслида эса “*Эртага йигилишига қатнашинг!*” буйруғи мавжуд.

4. *Буйруқ гапларда дискурс дейксиси.* *Мен – бу ерда – ҳозир* каби эгоцентрик дейктик бирликлар сўзловчи ва тингловчининг умумий коммуникатив вазиятда қатъий дихотомик ажратилишидан ташқари мураккаб қурилишдаги нутқий актларни соддалаштиришга хизмат қилади.

5. *Буйруқ гапларда социал дейксис.* *Олдинга! Орқага! Чапга! Ўннга!* каби дейктик бирликлар билан ифодаланган буйруқ гапларда ижтимоийлик ҳам мавжуд. Бу каби буйруқлар, асосан, ҳарбий қатламга тегишли бўлиб, ҳарбийларнинг кундалик мулоқот нутқида қўлланилади. Буйруқ гапларда ижтимоийлик ижтимоий мавқеи, ёши жиҳатдан ўзидан катта бўлган шахсни бирор фаолиятга ундаганда мурожаат усули буюриш оҳангида эмас, илтимос тарзида бўлади. В.Алпатов<sup>48</sup> бу таърифни япон ва корейс тиллари асосида қийслайди: *ўқи – ўқиб бер – марҳамат, ўқинг.* Бундай иккинчи шахсга мурожаат сақланиб қолади, аммо феълнинг шакли ўзгаради. Модаллик феълда акс этади. *Хужжатларни олиб келинг. – Хужжатларни олиб келсангиз бўларкан* каби.

Бобнинг тўртинчи фасли “*Дейксисда эмоционаллик*” деб номланади.

1. *Шахс дейксисида эмоционаллик.* Дейксиснинг бу турини ифодалашда, албатта, дейктик иборалар ишора қилаётган шахснинг сўзловчи билан муносабати қай даражадалиги муҳим аҳамиятга эга. Масалан, *Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг тинжига яқин келди ва эсанкираган, ҳаяжонланган бир товуш билан сўради:*

– *Сиз ўшаму?*

– *Мен ўша, – деди бек. Иккиси ҳам бир-бирисига беихтиёр термулишиб қолдилар.* Контекстдаги *Сиз ўшаму?* сўроқ гапи ва *Мен ўша* дарак гапи ишоралар воситасида эмоцияни ифодаламоқда.

<sup>48</sup> Алпатов В.М. Япония: язык и общество. Муравей. – М., 2003. – С. 208.

2. *Макон дейксисада эмоционаллик.* Бу турдаги эмоционалликни ифодалаш учун макон муҳим ҳисобланади. Барча учун маълум бўлган “Ғаройиб саёҳат”<sup>49</sup> мултифильмидаги контекстни мисол тариқасида келтириб ўтдик:

– *Сен жудаям бахтлисан, Тутти. Кўрмаган жойинг йўқ.*

– *Мен эса уйда ўтирганим ўтирган. Менга қара, Тутти, бирон ёққа борайлик.*

– *Қаёққа?!*

– *Бирон ёққа, узоқ-узоқларга. Биласанми? Айтишларича, даланинг нариги ёғида ям-яшил ўтлоқ этагида, кўм-кўк ўрмон ортида битта тепалик бор эмиш. Ўша тепаликка жудаям чиққим келаяпти.*

– *Э, қўйсангчи, иссиққина уйимизни ташлаб-а?... Атрофнинг гўзаллигини наҳот кўрмайсан-а?!... – Тепаликка чиқиш-чи?! Ўша тепаликка чиқишни бир умр орзу қилгандим.*

– *Бир умр?! Кечир, мен билмаган эканман... Атрофнинг гўзаллигини қарагин! Яхшилаб қарагин, Тутти. ...Айтувдим-а сенга, айтувдим-а сенга шу хосияти йўқ тепаликка чиқмайлик деб, ээхх! Вой жигарим! Матнда Том ва Туттининг маконга ишора қилувчи суҳбатлари ва айнан макон билан боғлиқ ҳис-ҳаяжонлари кўрсатилган. Контекстдаги деярли барча гапларда макон билан боғлиқ эмоционал руҳдаги пропозициялар мавжуд. Шунингдек, пропозициялар иштирокчилар учун маълум бўлган дейктик бирликлар ва ишоралардан ташкил топган.*

3. *Замон дейксисада эмоционаллик.* Вақт билан боғлиқ бўлган вазиятларни эмоционал ҳолатда ифодалаш. Вақт ўтса-да, инсонлар билан боғлиқ шундай ҳолатлар борки, “воқеликни идрок этиш жараёнида субъект ўзини ҳеч қачон ушбу воқеликдан айри ҳолда тасаввур қилмайди ва бунга унинг ҳиссиёти ҳам йўл қўймайди”<sup>50</sup>. Масалан: *Уни илк учратганимдаёқ севиб қолганман! Ўшанда баҳор эди! Ўн йил деганда фарзандли бўлдим!*

4. *Дискурс дейксисада эмоционаллик.* Дискурс дейксисада эмоционаллик ҳолатини, асосан, бадий материалларда кўпроқ учратиш мумкин. Эмоционалликни ифодаловчи бу турларда кўпроқ *нақадар, шу даражада, шунчалик, зинҳор, гўё* каби ҳис-ҳаяжонни англаиб турадиган дейктик бирликлар иштирок этиши мумкин. Масалан: *Икки юзинг қип-қизил, гўё қизил олмадай.* Ушбу мисолда *гўё қизил олмадай* бирикмаси ўзидан олдинги объектга ишора қилмоқда. Гапда эмотивлик мавжуд.

5. *Социал дейксисада эмоционаллик.* Инсон жамиятдан ажралмаган ҳолда яшар экан, ўз нутқида ҳам жамиятнинг ахлоқий-ижтимоий қоидаларига бўйсунди. У нутқида ўзи (сўзловчи), тингловчи ва ўзганинг жамиятда тутган ўрни, яъни ижтимоий ҳолати (касби, шахсий фазилатлари, моддий ҳолати, жинси, ёши)ни англаган ҳолда мулоқотга киришади<sup>51</sup>. Социал дейксисада эмоционаллик ижтимоий қатлам, турли жинс вакилларига қараб турлича акс

<sup>49</sup> “Ғаройиб саёҳат” мултифильми. Интернет манба: <https://mover.uz>. 7 октябрь 2020 й.

<sup>50</sup> Вольф Э.М. Варьирование в оценочных структурах. Вкн.: Семантическая и формальное варьирование. Изд-во МГУ. – М., 1966. – С. 86.

<sup>51</sup> Давлатова Р.Х. Ижтимоий ҳолат дейксиси ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши // Илмий хабарнома. – Андижон, 2020. – № 1 (45).

этади. Масалан, эркак кишиларда эмоция нейтралликда бўлса, аёлларда бироз кучлироқ, ёш болаларда тўсиқланмаган ва ҳоказо. Масалан: *Сен ўлгунча, мен ўлсам бўлмасмиди-я* (фарзандини йўқотган она ноласи). Эмоция даражаланишининг юқори босқичи. Социал дейксисда ҳонорификларни қўллаш сўзловчининг кайфияти билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Сўзловчи салбий эмоцияда бўлса, ижтимоий мавқени билдирадиган лисоний бирликларнинг салбий вариантлари қўлланади. Ижобий ҳолатдаги эмоцияни англаб, ижобий ҳонорификлар қўлланилади.

Тўртинчи боб “**Содда гапнинг коммуникатив турларида пресуппозиция ва тагмаъно**” деб номланади. Унда пресуппозиция ва тагмаънонинг фарқлари ҳамда уларнинг дарак, сўроқ, буйруқ гапларда қўлланиши, шунингдек, пресуппозиция ва тагмаънода эмоцияни ифодаловчи субъектив маъно оттенкалари изоҳлаб берилган.

Ушбу бобнинг биринчи фасли “*Дарак гапларда пресуппозиция ва тагмаъно*” деб номланади. Дарак гапларда пресуппозицияни аниқлашда унинг структураси ҳам муҳимдир. Бу жиҳатларни аниқлашда лингвистик воситаларнинг бир қанча турлари мавжуд: 1) лингвистик воситалар; 2) синтактик воситалар<sup>52</sup>. Коммуникатив бирликларнинг прагматик жиҳатлари лингвистик ва синтактик воситалар доирасида таҳлил қилинди. Юқорида таснифлаб ўтилган лингвистик воситаларнинг ҳар бири, ўз навбатида, яна бир қанча турларга бўлинади. Жумладан,

1. Лингвистик воситалар мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларини ўз ичига олади.

– *от сўз туркумига унинг категориялари. Мен – онаман* (менинг фарзандларим бор; она – шахс оти). *Кундан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал.* (пресуппозициялари: *кун – гўзал, ой – гўзал.* ; -дан келишиги ва –да (ҳам) юкламаси); *Сув муздай эди* (пресуппозициялари: сув – ўта совук, муз – ўта совук; -дай – ўхшатиш шакли);

– *сифат сўз туркуми. Акам ҳалиям бўйдоқ* (пресуппозициялари: менинг акам бор, мен ҳам ҳалигача уйланмадим ёки мен аллақачон уйланганман, акам уйланмаган; бўйдоқ – сифат );

– *олмош сўз туркуми. У мени танлади* (пресуппозицияси: сени эмас, бошқани эмас; мен – олмош);

– *равиш сўз туркуми. Бизнинг синф доим бир қадам олдинда* (пресуппозицияси: бошқа синфлар орқада; олдинда – равиш);

– *юклама. Бизнинг Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да* (А.Қодирий. “Ўткан кунлар”) (пресуппозициялари: тошкентлик келинимиз гўзал, марғилонлик келинимиз ҳам гўзал; аммо буни бошқа маънода ҳам тушуниш мумкин. Ушбу пропозиция Марғилонда ҳам гўзал қизлар бор экан-да мазмунида ҳам ифодаланиши мумкин, ҳам – юклама); *Фақат сени севаман* (пресуппозицияси: бошқани севмайман; фақат – юклама);

<sup>52</sup> Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси. Ф. ф.н. дисс. – Самарқанд, 1994. – Б. 18.

– кўмакчи. *Йиғилишда муҳим масалалардан ташқари қутловлар ҳам бўлиб ўтди* (пресуппозициялари: йиғилиш бўлди, йиғилишда муҳим масалалар кўрилди).

2. Дарак гапларда пресуппозицияни синтактик воситалар орқали аниқлаш:

– *актуаллаштириш*. Содда гапларда пресуппозицияни аниқлашда гап бўлақларининг тартиби жуда муҳим. 1. *Бу ерда мен бошлиқман*. 2. *Бу ерда бошлиқман мен*. 3. *Мен бу ерда бошлиқман*. Биринчи гапда бошлиқнинг ким эканлиги муҳим бўлса, иккинчи гапда бу ерда бошлиқман, оддий ходиммасман деган маънони англатмоқда. Учинчи гапда – *мен бу ерда бошлиқман*, бошқа жойда эмас каби зохирий маъноларни англатган. Грамматик воситалар, асосан, пресуппозицияни аниқлашда аҳамиятлидир.

Тагмаънони таҳлил қилишда контекст муҳим. Дарак гапларда тагмаънонинг ифодаланиши бир қарашда пресуппозицияга ишора қилса-да, аммо контекст унинг фарқини очиб беради:

– *Бунчалик паст кетманг. Арзимасангиз ўзим келмас эдим. Элчин бу гапдан “Мен унча-бунча одамни таклиф этмайман”, деган маънони уқди. У Асадбекнинг мақсадини англагандай эди. Элчин таклиф замирида қандайдир қитмирлик ётганини фаҳмлади-ю, қисқа фурсатда ўша “қандайдир” нима эканини англай олмади.*

– *Катта бошингизни кичик қилиб келибсиз, биз нима дердик. Касбимиз яхшиларга хизмат қилиш.*

– *Ҳосилбойваччанинг юзини жилмайиш эпкини силаб ўтди. Бу қувониш эмас, голиб одамнинг мағрур жилмайиши эди (Т.Малик. “Шайтанат”).* Контекстда *Мен унча-бунча одамни таклиф этмайман* – пресуппозицияни англатмоқда; *Ҳосилбойваччанинг Элчинни тўйга таклиф қилишидан асл мақсад уни ҳурмат қилганидан эмас, балки шу йўл билан Асадбекни ҳақорат қилиш – ҳукм танасидаги мазмун; Элчин “қандайдир” ғайир мақсад борлигини бироз фаҳмлаган. Ўша “қандайдир” ғайир мақсад сўзловчи ва тингловчи учун – умумий билиш хазинаси бўлса, Асадбек томонидан (тўйга бормаслик ҳақида) огоҳлантирилган Элчин учун эса махсус билимлар орқали тушинилувчи яширин ҳукм; Бу қувониш эмас, голиб одамнинг мағрур жилмайиши эди* – зохирий узвлар орқали эмас, аввалги матн орқали тушунилувчи матн. Яъни *Ҳосилбойвачча* хурсандлиги Элчиннинг айнан ҳозирги жавоби туфайли эмас, унинг қувонишига олдинги вазиятлар, зиддиятлар ва бу зиддиятларда ўзини голиб ҳис қилиш туйғулари сабаб бўлмоқда.

Бобнинг иккинчи фасли “*Сўроқ гапларда пресуппозиция ва тагмаъно*” деб номланади.

1. Лингвистик воситалар асосида сўроқ гапларда пресуппозицияни аниқлашга ҳаракат қиламиз:

– *от сўз туркуми ва унинг категориялари. Қизингиз ойдайми?* (пресуппозициялари: қизингиз гўзалми? Ой – чиройли; -дай – ўхшатиш шакли);

– *сифат сўз туркуми. – Аканг каттами, сен каттами?* – *Ўтган йили акам катта эди* (Латифадан) (пресуппозициялари: сени аканг бор; Аканг – катта, сен кичик; катта – сифат);

– *олмош сўз туркуми. Одаммисан сен?* (пресуппозицияси: сен одаммассан, сенда одамгарчилик йўқ; сен одаммассан, бошқа эмас; сен – олмош);

– *равиш сўз туркуми. Орқангда турган ким?* (пресуппозицияси: орқангда биров бор; орқангда – raviш).

2. Синтактик воситалар орқали сўроқ гапнинг пресуппозициясини аниқлаш:

– *актуаллашиши. 1. Бу ерда ким раҳбар? 2. Ким раҳбар бу ерда? 3. Бу ерда раҳбар ким?* Уч хил тартибда бир хил сўзлардан ташкил топган ушбу гапларнинг ҳар бири турлича маъно англатади. Сўзловчи вазиятга қараб учала гапдан бирини қўллайди. Биринчи гапда раҳбарнинг кимлиги муҳим. Иккинчи гапда айнан мана шу бўлимдаги раҳбар кимлиги муҳим. Учинчи гапда раҳбарнинг ўзи кесатик маънода гапиряпти, унинг учун раҳбарнинг кимлигини билиш муҳим эмас (*Бу ерда раҳбар ким ўзи – менми ё сизларми?* деган маънода).

Сўроқ гапларда тағмаъно нутқ иштирокчиларининг ўзигагина маълум бўлганлиги сабабли вербал воситалар тўлиқ ифодаланмайди. “Сўзловчи ўзи учун муҳим бўлган ахборот кўринишларидан бирини ошкора баён қилишни истамаганлиги учун уни матн ичига тағмаъно сифатида жойлаштиради. Ошкора баёнга эга бўлмаган тағмаъно сифатида жойлаштиради. Ошкора баёнга эга бўлмаган тағмаъно кўриниши, гарчи яширин берилган бўлса-да, тингловчи учун маълум бўлади”<sup>53</sup>:

– *Янглишмаяпсанми?*

– *Йўқ, рост, دادаси.* Сўралаётган савол тингловчига ҳам маълум бўлганлиги сабабли сўзловчи ортикча лисоний бирликлар қўлланмаган ҳолда ўз фикрини билдиряпти. Тингловчи ҳам уни битта шу савол орқали тушуниб саволига жавоб беряпти. Ушбу контекст умумий билиш хазинаси, олдиндан билишнинг жами, матн остидаги маъно, зоҳирий узвлар ишораси, матн ичидаги яширин мазмун, лингвистик билим орқали англашилувчи маъно, махсус билим орқали тушунилувчи яширин ҳукм каби тағмаънони англатувчи узвлар билан боғланган.

Бобнинг учинчи фасли “*Буйруқ гапларда пресуппозиция ва тағмаъно*” деб номланади. “Пресуппозиция контекстда фонетик, лексик, морфемик, морфологик, синтактик бирликларнинг ишораси орқали англашилади”<sup>54</sup>. Буйруқ гаплар пресуппозицияси морфемик сатҳда юкламалар ва ёрдамчи воситалар иштирокида ҳосил бўлади:

– *морфемик сатҳда: – Эртага холангни кўргани уйга кел. Сен ҳам.* (пресуппозициялари: Уйга сен ҳам кел; ҳам юкламаси орқали буйруқ англашиляпти). – *Ойи, бироз дам олай. Иш-чи?* (*Ишни қил буйруғи мавжуд. -чи юкламаси орқали ясалган*);

– *морфологик сатҳда. – Вей, менга қара, прокурор. Сен женсоветга раис бўлиб бор. Сенинг жойинг ўша ерда!* (*Т.Малик. “Шайтанат”*) (пресуппозициялари: сен прокурорликка мос эмассан: жиддиймассан, сени хусусиятинг аёлларга хос; ўша ерда – морфологик бирикмаси орқали буйруқ оҳанги англашилиб турибди);

<sup>53</sup> Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. Филол. фанлар д-ри... дисс. – Тошкент, 2001. – Б. 155.

<sup>54</sup> Раҳимов У. Тағмаъно ва пресуппозиция // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2005. – № 5. – Б. 29.

– синтактик сатҳда. Ақтуаллашиш орқали буйруқ гапнинг пресуппозициясини аниқлаш:

– *Сен жим ўтир. Кимлигимни бу билмаса сен биласан-ку? Шунақа дейишса, бошлаб келавердингми? Агар қўлимдан келса, буздиртирмайман маҳаллани! Ҳаммаёқ бузилиб бўлди. Битта маҳалла қолсин. Аммо мана буни, – Асадбек кўрсаткич бармоғи билан Жўра чўлоқни кўрсатди, – йўқотинглар. Маҳаллага бегона аралашмасин (Т.Малик. “Шайтанат”).* 1. *Сен жим ўтир (пресуппозицияси – сен гапирма, бошқалар гапирсин);* 2. *Маҳаллага бегона аралашмасин (пресуппозицияси: Жўра чўлоқ – бегона).* Биринчи буйруқ гапда сен бўлаги ақтуаллашган, иккинчи гапда бегона сўзи.

Бобнинг тўртинчи фасли “Пресуппозиция ва тағмаънода эмоцияни ифодаловчи субъектив муносабат оттенкалари” деб номланади. Прагмалингвистик тушунчаларнинг барчаси нутқ ва унинг иштирокчиси ҳамда унинг вазияти билан бир қаторда, инсон ва унинг эмотив ҳолатини тил бирликлари воситасида тадқиқ этади. Пресуппозиция орқали эмоционалликнинг ифодаланишини С.Васильева<sup>55</sup>нинг ишларида кўриш мумкин. Тилшунос эмоционаллик ва пресуппозицияни таҳлил қилиб берган ҳамда асар муаллифининг ўқувчида образлар эмоциясини ҳис қилишга ундаш ва буни амалга оширувчи лисоний воситалар ҳамда услублари ҳақида фикр юритади. Бундан фарқли ўлароқ, бизнинг ишимизда тадқиқ объекти нутқ иштирокчиларининг ўзидир. Нутқ эгаларининг эмотив хусусияти, шунингдек, уларнинг воқеликка субъектив муносабати ва пресуппозитив жиҳатларини таҳлил қилиш ишимизнинг тадқиқ объекти ҳисобланади. Ишимиз давомида субъектив муносабатнинг турли эмотив оттенкаларини, жумладан, севги, нафрат, ҳасад, ҳавас, ғазаб, хотиржамлик, қувонч, бахтиёрлик каби инсонга хос барча туйғуларнинг лисоний бирликлар орқали нутқда қўлланилишини пресуппозиция ва тағмаъно ёрдамида бу туйғуларнинг контекстда таҳлил қилинишини кўриб чиқамиз.

– *Жаноб Морель, шундай қилиб бахтсизликка учраганимизни сиз аллақачон билиб олибсизда, – деди Данглар.*

– *Ҳа, худди шундай! Бечора капитан Леклер! У жуда ёқимтой ва виждонли одам эди.*

– *Ажойиб маҳоратли денгизчи эканини айтмайсизми?! Бу унинг энг зўр хислати эди, – деди Данглар.*

– *Чамамда, – деди арматор кемага жой танлаётган Дантесдан назарини узмай, – ўз ишининг устаси фаранги бўлмоқ учун, сиз айтгандек, кекса денгизчи бўлиш шарт эмас. Ана қаранг, дўстимиз Эдмонни. Ўз вазифасини қандай моҳирлик билан бажо келтиряпти.*

– *Тўғри, – жавоб қилди Данглар Дантесга хўмрайиб, унинг кўзлари нафратга тўла эди, – тўғри, ёшлик ва кибр бу йигитчани анча ҳовлиқтириб қўйди (А.Дюма. “Граф Монте Кристо”).* Контекстдан кўришиб турибдики,

---

<sup>55</sup> Васильева С.Н. Пресуппозиция как общая составляющая когнитивно-эмоционального пространства художественного текста (на материале рассказа Э.Хемингуэя “Кошка под дождем”) // Вестник ЧГПУ им. И.Я.Яковлева. – М., 2019. – № 1 (101). – С. 12-17.

Дангларда Дантесга нисбатан нафрат туйғуси бор. “Ажойиб маҳоратли денгизчи эканини айтмайсизми?! Бу унинг энг зўр хислати эди”, дея капитан Леклерга нисбатан фикр билдирган Данглар аслида унинг хислатларини мақташ эмас, мақсади Эдмонни ёмонлаш. Ёшлик ва кибр бу йигитчани анча ҳовлиқтириб қўйди деган гапи орқали унга бўлган нафратини англашимиз мумкин. Бу шахс субъектив муносабатининг салбий оттенкасини тағмаъно орқали ифодалаган.

*Нафрат ўтида жизганак бўлаётган Данглар арматор олдида ўз ўртоғини балчиққа булғайверсин, биз Дантесни қузатиб борайлик (А.Дюма. “Граф Монте Кристо”).* Субъектив муносабат ифодаланган ушбу пропозициянинг пресуппозицияларини кўриб чиқайлик: 1. Данглар ва Дантес дўст. 2. Данглар нафратда. 3. Дантес унинг салбий муносабатига эътиборсиз. 4. Данглар арматор билан суҳбатлашган. 5. Данглар арматорга ўртоғини ёмонлаган.

Субъектив муносабатнинг оттенкалари вазиятга қараб эмоциянинг турли даражаларини кўрсатиб беради. Шунингдек, уларнинг прагматик жиҳатлари контекстда намоён бўлади.

## ХУЛОСА

1. Коммуникатив фаолиятни таъминлашда инсонлар ўртасидаги алоқа воситаси билан бир қаторда, вазият ҳам муҳим роль ўйнайди. Тилшуносликда коммуникация ва прагматикага оид қарашлар ўрганилиб, тилнинг антропоцентрик моҳиятини ёритишда бу соҳаларнинг тадқиқ объектини аниқлаш ишнинг мақсадини очиб берувчи асосий масалалардан биридир. Коммуникация инсонлар ўртасидаги алоқа воситасидир, аммо коммуникатив фаолиятни таъминлашда вазият ҳам аҳамиятлидир. Коммуникация ва прагматика алоҳида йўналиш сифатида талқин қилинувчи соҳалардир. Коммуникация нутқий мулоқотни ўрганса, прагматика нутқий вазиятни тадқиқ этади. Шу жиҳатдан тадқиқотда нутқий мулоқот коммуникациянинг тадқиқ объекти сифатида, нутқий вазият прагматиканинг тадқиқ объекти сифатида қаралади.

2. Коммуникатив типларни прагматик аспектда қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

а) ахборот узатиш мазмунини ифодаловчи прагматик бирликлар. Улар, ўз навбатида, икки турга бўлинади: 1) реал бирликлар; 2) ирреал бирликлар;

б) ахборот олиш мазмунини ифодаловчи прагматик бирликлар;

в) ҳаракатга ундовчи прагматик бирликлар.

Ушбу прагматик бирликларнинг ҳар бири эмоцияни ифодалаб келади.

3. Тил бирликларининг нутқий вазияти ва синтактик тузилиши бири-бирини тақозо этувчи жараён дир. Тил бирликларининг семантик структурасини таҳлил қилишда унинг грамматик қурилиши аҳамиятлидир.

4. Содда гапларда коммуникатив бирликларнинг ифодаланиши қўшма гаплардагидан кўра фарқлидир. Содда гапда ифода мақсади ўзига хос. Сўз бирикмаси, содда гап ва қўшма гапли конструкцияларнинг шакл ҳамда мазмун муносабати прагматик аспектда муҳимдир.

5. Содда гапнинг коммуникатив турларини нутқий акт назарияси асосида тизимлаштириш аҳамиятлидир. Шу жиҳатдан, коммуникатив бирликларнинг прагматик аспектда қуйидаги турларини ажратиш мақсадга мувофиқ: дарак гапларда – *вердиктив, комиссив, беҳабитив, конфликтив, декларатив, эспрессив*; сўроқ гапларда – *декларатив, директив, прохибитив, эспрессив, предиктив, комиссив, акнолежмент*; буйруқ гапларда – *вердиктив, экзерситив, экспозитив, директив, эспрессив*.

6. Ўзбек тилида дарак, сўроқ, буйруқ гапларнинг прагматик маънолари дейктик таҳлил асосида қуйидаги турларга эга: дарак гапда – шахс дейксиси, макон дейксиси, замон дейксиси, дискурс дейксиси, социал дейксис; сўроқ гапда – шахс дейксиси, макон дейксиси, замон дейксиси, дискурс дейксиси, социал дейксис; буйруқ гапда – шахс дейксиси, макон дейксиси, замон дейксиси, дискурс дейксиси, социал дейксис. Дейктик бирликлар ва анафорик ишоралар бир-биридан фарқ қилувчи прагматик тушунчалардир.

7. Коммуникатив бирликларнинг дейктик таснифи эмоционалликни ифодалайди. Уларнинг қуйидаги турлари мавжуд: а) шахс дейксисида эмоционаллик; макон дейксисида эмоционаллик, замон дейксисида эмоционаллик, дискурс дейксисида эмоционаллик, социал дейксисда эмоционаллик.

8. Содда гапларнинг прагматик хусусиятларини очиб берувчи пресуппозиция лингвистик воситалар ёрдамида аниқланади. Тагмаънони аниқлашда контекст муҳим.

9. Прагмалингвистик таянч тушунчаларининг барчасида эмоционаллик мавжуд. Субъектив муносабатни ифодаловчи оттенкалар ва уларни аниқлаб берувчи лисоний бирликлар прагматик таҳлил учун аҳамиятлидир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/25.08.2021.Fil.01.16 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА  
ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА**

**ХУЖАМКУЛОВА МАХБУБА БОБОНАЗАРОВНА**

**КОММУНИКАЦИЯ И ПРАГМАТИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ В  
ПРОСТОМ ПРЕДЛОЖЕНИИ**

**10.00.01 – Узбекский язык**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.4.PhD/Fil2053**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме))

**Научный руководитель:** Курбанова Мухаббат Матякубовна  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Маъруфжон Юлдашев  
доктор филологических наук, профессор

Гули Таирова  
доктор филологических наук (DSc), доцент

**Ведущая организация:** Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 202\_ года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/25.08.2021.Fil.01.16 при Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека (Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, 4. Основное здание Национального университета Узбекистана, 1-ый этаж, аудитория 105 (99871) 2271224, факс (99871) 2465321, (99871) 2460224; e-mail: nauka@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, 4. Административное здание НУУ, 2-й этаж, аудитория 4. Тел.: (99871) 2364655; факс: (99871) 2460224.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(протокол реестра рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 года).

**Х.Балтабаев**  
Председатель Ученого совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор филологических наук, профессор

**Н.З.Абдурахмонова**  
Секретарь Ученого совета по присуждению ученых степеней,  
доктор филологических наук (DSc), доцент

**Н. Рахманов**  
Заместитель председателя научного семинара  
при Ученом совете по присуждению ученых степеней,  
доктор филологических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Формирование новых научных парадигм в мировом языкознании выдвинуло на первый план необходимость изучения вопросов, связанных с мышлением и речевой деятельностью человека. Особое внимание уделяется процессу взаимодействия людей в общественной жизни, т.е. прагматическому изучению единиц речи, порождающих коммуникацию. В качестве новшества в растущей области науки речевой феномен языковых единиц начал изучать их речевую ситуацию, контекстуальные проблемы. Это стало основой для антропоцентрического характера науки, сформировались новые направления языкознания, связанные с человеческим фактором, такие, как психолингвистика, социолингвистика, прагмалингвистика, когнитивное языкознание, лингвокультурология.

В результате развития науки в мировом языкознании сложились ценные теоретические взгляды по ряду вопросов, таких как рассмотрение семантической структуры языковых единиц и определение их прагматических значений, определение роли языковых средств в реализации этих значений в речи. Такие взгляды привели к постепенному расширению прагмалингвистики в узбекском языкознании и ряду исследований в этой области. Широкое внимание уделяется вопросам различения языка и речи, изучения применения языковых единиц к ситуации в речевом процессе и воздействия выделенных единиц на участников речи.

Реформы в узбекском языкознании сегодня направлены на «сохранение чистоты государственного языка, его обогащение, повышение его престижа как языка науки, обеспечение активной интеграции современных информационных технологий и коммуникаций»<sup>1</sup>, и важным вопросом является системный подход к изучению человека и его речевой деятельности, организующей этот процесс. В частности, в рамках обозначенных выше проблем весьма актуален вопрос коммуникативно-прагматического изучения речевой ситуации по отношению к говорящему.

Представленное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, предусмотренных в ряде законодательных и нормативно-правовых актов: в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5850 от 21 октября 2019 года «О мерах по коренному повышению престижа и статуса узбекского языка как государственного», в Указе Президента Республики Узбекистан № УП -6084 от 20 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в нашей стране», в Указе Президента Республики

---

<sup>1</sup> Мирзияев Ш.М. Указ Президента Республики Узбекистан, от 20.10.2020 г. № УП-6084 «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране».

Узбекистан № УП-6097 от 29 октября 2020 года “Об утверждении концепции развития науки до 2030 года”; в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4479 от 4 октября 2019 года «О широком праздновании тридцатилетия принятия закона республики Узбекистан «о Государственном языке» и в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №984 от 12 декабря 2019 года “Об утверждении системы департамента развития государственного языка” и других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан: 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Социально-правовое, экономическое, культурное, духовно-образовательное развитие информированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики”.

**Степень изученности проблемы.** Хотя диалектические отношения, такие как язык и мышление, язык и речь, признавались великими философами с античности, область языкознания, изучающая эти отношения, возникла и развивалась под названием прагмалингвистики в конце прошлого века. После этого был создан ряд работ по прагматическому изучению языковых единиц в мировой лингвистике. В частности, Ч. Моррис<sup>2</sup> подошел к языку на основе знаков, Б. Рассел, Дж. Остин, Г. Грейс, Дж. Сёрль, К. Аллан, Дж. Лич и др. высказали теоретические взгляды на классификацию теорий речевого акта, Р. Лакофф<sup>3</sup> классифицировал дейксис и его виды, свои взгляды на теорию актуализации на синтаксическом уровне высказали Р. Деклерк<sup>4</sup>, Ч. Филмор<sup>5</sup>, С. Левинсон<sup>6</sup>, в русском языкознании свои взгляды на теорию актуализации и коммуникативные типы предложения на синтаксическом уровне высказали такие лингвисты, как Н. Арутюнова, Ф. Фортунатов<sup>7</sup>, А. Пешковский, А. Шахматов<sup>8</sup>, А. Богуславский, А. Кононов<sup>9</sup>, Ю. Степанов, также О. Артемова<sup>10</sup>

---

<sup>2</sup> Моррис Ч.У. Основания теории знаков. Издательство «Деловая книга». – Екатеринбург, 1999.

<sup>3</sup> Lakoff R. Remarks on This and That. In: Papers from the tenth regional meeting of Chicago linguistic society. Chicago, 1974.305p.

<sup>4</sup> Declerck R. The Grammar of the English Tense System. A Comprehensive Analysis. Volume 1: – Berlin: Mouton de Gruyter, 2006.P.42.

<sup>5</sup> Fillmore Ch. Santa Cruz Lectures on Deixis. – Indiana:University Linguistic Club, 1975. 11p.

<sup>6</sup> Левинсон С. Minimisation and conversation inference/ The pragmatic perspective. Publishing company. 1987. 455с.

<sup>7</sup> Фортунатов Ф.Ф. "О преподавании грамматики русского языка в средней школе", в сб.: Избранные труды. – Москва, Гос. учебно-пед. изд. Мин. просвещения РСФСР, 1956. С447.

<sup>8</sup> Шахматов А. А. Синтаксис русского языка. – Ленинград, 1941. 474с.

<sup>9</sup> Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л., 1960.450с.

<sup>10</sup> Артёмова О.А. Типология дейксиса в семантико-прагматическом аспекте. – Минск: МГЛУ, 2019. 176с.

и Т. Волошина в своих работах объяснили<sup>11</sup> классификации речевых актов, И.Коровина<sup>12</sup>, Н.Белунова<sup>13</sup>, Т. Янковская<sup>14</sup> и др. выполнили ряд работ в новой области языкознания.

Также и в узбекском языкознании созданы исследования по прагматическому изучению языковых уровней. Учёный-лингвист А. Ахмедов<sup>15</sup> обратил внимание на анализ объекта речи и семантических аспектов коммуникативных единиц. А. Нурмонов и Н. Махмудов в своих научных исследованиях прокомментировали такие понятия прагмалингвистического анализа, как пресуппозиция, смысл, первоначальное значение<sup>16</sup>. В своих исследованиях М. Хакимов выявил прагматические особенности текста и создал монографии и учебники по научно-теоретическим основам новой области<sup>17</sup>. «Прагмалингвистика»<sup>18</sup> Ш. Сафарова является одним из важных источников в изучении этого направления как отдельной дисциплины в узбекском языкознании. Д.Худойбергана<sup>19</sup> раскрыла антропоцентрическую сущность текста, З.Бурханов<sup>20</sup>, У.Рахимов<sup>21</sup> особенности термина пресуппозиция. Д. Лутфуллаева<sup>22</sup> объяснила формальные и семантические различия ассоциативных единиц.

Вклад узбекских ученых в развитие прагмалингвистики сегодня служит основным фундаментом при изучении исследований в этой области в узбекском языкознании. Но не все пласты языковых уровней в новой парадигме еще до конца не исследованы. В частности, коммуникативные типы предложения не изучены в монографическом плане с прагматической точки зрения. В частности, в традиционной грамматике мало изучены вопросы коммуникативной цели, прагматических отношений, раскрывающих содержание предложения при разделении распространённых типов

---

<sup>11</sup> Волошина Т.Г., Миронова Г.В. Семантика и прагматика косвенных речевых актов вопросительных конструкций (на материале англоязычных сценарных текстов). Белунова Н.И. Вопросительное и побудительное предложения в коммуникативном аспекте. – С.Петербург, 2013. Электрон статья: ISSN 1997-2911. № 3 (69) 2017. Ч. 2. С72

<sup>12</sup>Коровина И.В. Система дейктических координат и интертекстуальный дейксис в научной коммуникации // Russian Journal of Linguistics, 2020. – Т. 24. – №4. – С. 876-898. doi: 10.22363/2687-0088-2020-24-4-876-89.

<sup>13</sup> Белунова Н.И. Вопросительное и побудительное предложения в коммуникативном аспекте. – С.Петербург, 2013. С876.

<sup>14</sup> Янковская, Т. А. Проблема дейксиса в современном языкознании / Т.А.Янковская//Теоретические методологические аспекты коммуникации: сборник научных трудов. Вып. 2 / Бел. гос. экон. ун-т, каф. межкульт. экон. коммуникации. – Минск: РИВШ, 2007. – 175 с. Библиогр. – С. 166-172.

<sup>15</sup> Ахмедов А. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив турлари. – Тошкент: Фан, -1979. 169с.

<sup>16</sup> Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 90б.

